

## ЎЗБЕКИСТОНДА ФАКТОРИНГ АМАЛИЁТИНИ ҚЎЛЛАШ ТАҲЛИЛЛАРИ

**Гайбуллаев Рахим Муродович**

*ТДИУ Самарқанд филиали кафедра мудури, и.ф.д.*

**Янгибаев Шохрух Фаррухович**

*ТДИУ Самарқанд филиали талабаси*

**Аннотация:** Мақолада факторинг операцияларининг асосий ўзига хос хусусиятлари ўрганиб чиқилган. Факторинг амалиётининг мамлакатлар бозорларидаги муаффақиятлари ва уларнинг замонавий хизматлар сифатида қатор устунлик даражалари ва бугунги кунда жаҳондаги бу операцияларнинг кенг қўлланилиши таҳлил қилинган. Факторинг операцияларини Ўзбекистонда асосан тижорат банклари томонидан суст қўлланилаётганлиги, ҳуқуқий ҳужжатларда рухсат этилганига қарамай алоҳида факторинг компаниялари мавжуд эмаслиги, микрокредит ташилотлари томонидан ҳам қўлланилишига монъеликлар борлиги, бу амалиётни кенг кўламда жорий қилиниши долзарб бўлиб, Ўзбекистон Республикасида факторинг операцияларининг қўлланилиши банк тизимида ижобий таъсир кўрсатиши ва бу нафақат, банк тизимида, айниқса, ҳозирги замонда кичик бизнесни ривожлантириш учун ҳам қўл келиши тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** факторинг операциялари, тижорат банклари, ҳуқуқий база, воситачилик операциялари, харидор, фактор, сотувчи, қарздорлик.

**Abstract:** The main features of factoring operations are studied in the article. The success of the factoring practice in the markets of the countries and their level of superiority as a modern service and the widespread use of these operations in the world today are analyzed. Factoring operations in Uzbekistan are mainly used slowly by commercial banks, there are no separate factoring companies despite being allowed by legal documents, and there are obstacles to their use by microcredit organizations. not only that, the banking system has been researched, especially for the development of small businesses in the modern age.

**Key words:** factoring operations, commercial banks, legal framework, intermediary operations, buyer, factor, seller, indebtedness.

**Аннотация:** В статье исследованы основные особенности факторинговых операций. Анализируются успешность практики факторинга на рынках стран, уровень их превосходства как современной услуги и широкое распространение этих операций в современном мире. Факторинговые операции в Узбекистане в основном медленно используются коммерческими банками, отдельных факторинговых компаний не существует, хотя это разрешено законодательными документами, и существуют препятствия для их использования микрокредитными организациями. Мало того, банковская система исследована, особенно для микрокредитных организаций. Развитие малого бизнеса в современную эпоху.

*Ключевые слова: факторинговые операции, коммерческие банки, правовая база, посреднические операции, покупатель, фактор, продавец, задолженность.*

Иқтисодийнинг тобора глобаллашуви шароитида тижорат банкларининг миждозларга кўрсатадиган хизмат турлари ошиб бормоқдаки, бу табиий равишда хилма - хиллик касб этмоқда. Бундай шароитда банк хизматларининг замон талабларига жавоб берувчи янги турларини амалиётга татбиқ этиш орқали аҳолининг ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг банкларга бўлган ишончини янада ошириш ва уларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш банклар фаолиятидаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон банклари амалиётида кенг тарқалган воситачилик операцияларининг хилма хил усулларини қўллаш орқали банкларнинг даромадлари ва шунга боғлиқ ҳолда барча кўрсаткичлари яхшиланиб бормоқда.

Ҳар қандай иқтисодий фаолият фойда олишга қаратилгандек, тижорат банклари фаолиятида кўзланган натижа ҳам фойда олишдир. Шу мақсадда, республикамиз худудида ўз фаолиятини юритаётган тижорат банклари ҳозирги кунда миждозларнинг ишончини оқлаш, уларга қўшимча енгилликлар яратиш, уларни ўзларига жалб қилиш билан биргаликда миждозларга замонавий хизматларни таклиф этиб келишмоқда.

Чунки, республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги даврида замонавий банк хизматларига талаб янада ошмоқда. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон Фармони билан тасдиқланган "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси"да "Банк хизматлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш, .... хусусан, миждозларга кенг кўламли хизматларни (молиявий маслаҳат, инвестицион банкинг, факторинг, лойиҳавий молиялаштириш, лизинг ва бошқалар) таклиф этиш" белгиланган [1].

Мамлакатимиз иқтисодий ривожланган сари турли хил молиявий хизматларга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Айниқса, тижорат банклари факторинг амалиётини хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик қарзини камайтириш воситаси сифатида қарашлари ва ундан кенг кўламда фойдаланишлари давр тақозаси бўлиб қолмоқда. Аммо, мамлакатимиз тижорат банклари активлари таркибига назар солсак, унда факторинг амалиёти деярли кўринмайди. Ваҳоланки, хорижий давлатларда ушбу амалиёт тижорат банкларининг даромад келтирадиган асосий молиявий хизматларидан бири бўлиб, унинг кўплаб турлари ривожланган. Айниқса, хўжалик юритувчи субъектлар факторингни дебитор қарздорлигини камайтириш ва ўзларининг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш йўлида фаол фойдаланадилар.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида таъкидлаб ўтганидек "... афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва

дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади” [2]. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда тижорат банклари айти дамда электрон платформада факторинг битимларини амалга оширмайди. Маълумотларни электрон алмашинуви ва кейинчалик факторинг амалиётини рақамли платформаларда бажарилиши тижорат банкларимиз олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, хориж тажрибасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, факторинг амалиёти рақамли платформаларда тез, хавфсиз ва сифатли бажарилиб келинмоқда.

Факторинг операцияларини Ўзбекистонда қўлланилиши борасида шуни таъкидлаш мумкинки, ҳуқуқий меъёрларда бу операцияларга рухсат берилган. Жуда фаол равишда бўлмаса ҳамки, факторинг операциялари Ўзбекистонда асосан тижорат банклари томонидан амалга оширилади. Алоҳида ҳолда факторинг компаниялар мавжуд эмас ҳамда микрокредит ташкилотлари томонидан ҳам бу хизматлар кўрсатилмайди. Шу билан бирга, бу ҳуқуқий ҳужжатларда факторинг операцияларини қўллашда ҳам айрим тафовутлар мавжудлиги кўринади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 750-моддасида “Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномаларини банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, шунингдек бундай турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома (лицензия)си бўлган бошқа тижорат ташкилотлари ҳам тузиши мумкин” дейилган [3]. Яъни, мазкур моддадан тушуниш мумкинки, факторинг амалиётини банклардан ташқари лицензияга эга бошқа тижорат ташкилотлари ҳам амалга ошириши мумкин. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1.3 параграфида “Факторинг хизмати-молиялашга доир банк хизматларининг бир тури” деб талқин қилинган [4]. Яъни, ушбу Низомга асосан факторинг хизматини фақат тижорат банкларигина кўрсатиши таъкидлаб ўтилган. Бундан келиб чиқадики, Ўзбекистон ҳудудида “факторинг амалиёти” билан фақат тижорат банклари шуғулланади. Лекин, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида “ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади” дейилган [5]. Шундан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, факторинг амалиёти Марказий Банк томонидан чиқарилган Низом асосида эмас, балки юқори юридик кучга эга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси кўра, лицензияга эга бўлган барча тижорат ташкилотлари факторинг амалиёти билан шуғулланишлари мумкин.

Энди факторинг амалиётининг ўзи қандай афзаллик жиҳатлари билан ажралиб туради деган саволга жавоб топиш учун қуйида факторинг операцияларининг бажарилишига эътибор қаратамиз:

1. Сотувчи (мол етказиб берувчи) 90-кун муддат оралиғида тўлов қилиш шарти билан товар маҳсулот ёки хизматни харидорга (дебиторга) сотади.

2. Сотувчи 90-кун муддатни кутмасдан факторга маблағ кераклиги ва дебиторлик қарзини сотиш бўйича талабнома жўнатади ва бунда:

- фактор харидор (дебитор)ни тўлов қобилиятини текширади, агар у кредит тўлов қобилиятига эга бўлса талабномани қаноатлантиради;

- сотувчи товар билан бирга асл нусхадаги ҳисоб-фактура ва тўлов йўриқномасини харидорга (йўриқномада факторингда тўғридан-тўғри дебиторлик қарзларини тўлаш тўғрисидаги тўлов топшириқномаси мавжуд) яна битта асл нусхадаги ҳисоб-фактурани факторга жўнатади;

- барча томонлар розилиги асосида тузилган факторинг шартномасига мувофиқ дебиторлик қарзлари факторга ўтади.

3. Фактор тўлов-талабномасини олгандан сўнг харидорга умумий суммани (70-90%) дарҳол тўлаб беради. Бунда фактор умумий суммадан комиссиян хизматларини олади (0,2-5% гача бўлган умумий тўлов талабномасидаги суммадан).

4. Қарздорлик муддати келганда қарздор тўлиқ суммани фактор ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

5. Харидор тўлиқ суммани факторга тўлагандан сўнг, фактор қолган (10-30%) суммани сотувчига комиссиян, фоиз ва бошқа харажатларни чегирган ҳолда унинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

Шундай қилиб, факторинг молиялаштиришдан кўра бизнес вакилларига кенг имкониятларни таклиф қила олади. Кредитларни бошқаришда профессионал ёндашув борлиги баъзи ҳолларда эса уни ҳимоя қилиши ҳам мумкин. Факторингни қулайликлари қуйидагилардан иборат:

→ қисқа муддатда молиялаштирилиш, қарзларини, қўшимча гаровларсиз бериш. Факторинг компанияда эса шартнома имзоланганданоқ молиялаштириш имконияти мавжуд бўлади;

→ пул оқимини яхшиланиши, чунки факторингдан олинadиган молиялаштириш муддати кредитдан қисқалиги билан фарқланади;

→ банк кредитидан фарқли ўлароқ факторингдан келиб тушган маблағларни ишлаб чиқарувчи кенг доирада ишлатиш имкониятига эга (банк кредити эса тор мақсадга йўналтирилган бўлади);

→ факторинг туфайли компания асосий эътиборини бизнесини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва савдо кўламини ривожлантиришга ўз вақтини сарфласа, ўз навбатида фактор дебиторлик қарзини ундириш билан шуғулланади.

Факторинг амалиётининг корхона ва бизнес вакиллари учун камчиликлари ҳам мавжуд:

- факторинг учун сарфланадиган харажатларнинг кўплиги (яъни, бизнес вакиллари бу харажатни ўзининг ишлаб чиқаришини ривожлантиришга сарфлаши мумкин) ва масалани ечими сифатида регресли факторингни келтириш мумкин, (регресли факторинг шартномаси тузилганда, асосий риск сотувчида қолади;

- дебиторлик қарзини ундириш пайтида, агар фактор сабр-тоқатли (толерантли) бўлса, қарздорлик дебитор томонидан узоқ муддатга чўзилиб кетса, фактор ўз миқдорларининг катта қисмидан ажралиб қолиши мумкин (яъни харидорни тўловсизлиги факторинг компания иш фаолияти учун ёмон молиявий оқибатларга олиб келиши мумкин);

- факторинг шартномаси факторга маълум мажбуриятларни ҳам юклайди, бу ўз навбатида дебитор қарзни ўз вақтида тўлаб бермаса дебиторнинг тўлов қобилиятига эга эмаслиги фактор учун риск даражасини оширади.

*Шу ўринда, бундай ҳолатларни ҳисобга олиб қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:*

- *биринчидан, фактор рискни камайтириши ёки бартараф этиши учун кўпроқ ахборот ва билимга эга;*

- *иккинчидан, факторинг компанияси алоҳида қарздорлар билан шуғулланмасдан, тўлай олмаслик шароитида банкротни бартараф этувчи дебитор қарздорлик портфелини шакллантиради.*

*Шундай қилиб, факторинг қуйидаги ҳолларда фойдали ҳисобланади:*

- *сотиб олувчи етказиб берувчининг кредит тарихига эга бўлмасдан, бир марталик етказиб беришларида;*

- *етказиб берувчи маҳсулот етказиб беришларнинг кўп тармоқни тизимига эга бўлганда.*

- *факторинг, етказиб берувчини баланс суммасини камайтиради ҳамда ўз капитали ва жалб қилинган капитали нисбатининг кўрсатишларини кўпайтириб, унинг тузилишини яхшилайти.*

*Хулоса қилиб айтганда, факторинг бўйича бажарилган амаллар асосида иқтисодиётдаги ҳисобдорликлар тезлашиши, товар етказиб берувчи корхона ўз молиявий ҳолатини барқарорлаштириши, банк ўз маблағларидан унумли фойдаланиши ва маълум даромад олиши мумкин, асосийси эса мамлакат товар айланмасини қайсидир маънода тезлаштиради. Шунини шубҳасиз айтиши мумкинки, Ўзбекистон Республикасида факторинг операцияларининг қўлланилиши банк тизимига ижобий таъсир кўрсатади. Бу нафақат, банк тизимига, айниқса, ҳозирги замонда кичик бизнесни ривожлантириши учун ҳам қўл келади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида факторинг хизматлари, биринчидан, иқтисодиётга тушаётган тўловларни оширади, иккинчидан эса, Ўзбекистон банк тизимини жаҳон стандартларига яқинлаштириб, ташқи хориж фирмаларига хизмат кўрсатиши*

мумкин.

Умуман олганда, факторинг сармоя айланишини тезлаштириш, қарзни ундириб олиш билан боғлиқ харажатларни камайитириш, банклар ўртасида муносабатларни осонлаштиришига ёрдам бериб, пулни ҳисоб-китоб тизимини муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, бугунги кунда тижорат банкларидан ташқари кредит муассасаларининг факторинг хизматини кўрсатмаётганлигини муҳим бир муаммо деб қараш зарур. Шунини ҳам айтиш керакки, факторинг банк ишининг бир қисми эмас, балки уни “операция” деб аташ нотўғри ҳисобланади, чунки факторинг бир мартали битим эмас, балки доимий хизмат кўрсатиши шаклида намоён бўлади. Булар ҳаммаси қарорларни қабул қилишида махсус жараёнларни ва рискларни бошқаришни талаб қилади.

Кейинги муаммо - мамлакатнинг кўпчилик банклари фаолиятининг ўрта муддатли инвестицияларга тайёр эмаслигидир. Бу ерда асосий тўсқинлик факторингни молиялаштирилиши эмас, балки ишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган узоқ муддатли цикл ҳисобланади. Бу цикл малакали бажарувчиларга эга бўлганида ҳам узоқ давом этади.

Шундай қилиб Ўзбекистон Республикасида факторингни қўлланилиши амалиётини таҳлил қилиш натижасида факторинг операциялари хусусида қуйидаги хулоса шакллантирилди:

1. Банклар амалиётида факторинг операцияларининг ривожланиши тенденцияси барқарор эмас. Банкларда факторинг операцияларини амалга оширишида риск даражаси анча юқори. Бу мамлакатимизда айрим объектив ва субъектив омиллар таъсирида корхоналар дебиторлик қарзлари айланувчанлигининг пастлиги натижасида келиб чиқмоқда. Факторинг миқдорларга хизмат кўрсатишининг универсал шакли ҳисобланади, чунки миқдорлар ўз талаблари (даъволари) бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш, уларнинг тўловлигини текширишдан ҳоли бўлишади. Банклар мол сотиб олувчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги ахборотни миқдорларига етказишлари, хорижий давлатлардаги тўловлар кафолатини ўз бўйнига олишлари мумкин. Банклар учун бу операциялар юқори даромад келтиргани учун ҳам улар бу операцияларни бажаришдан манфаатдордирлар. Ривожланган давлатларда факторинг операциялари миқдорнинг молиявий аҳволи, акционерлик капитали миқдори, маҳсулот тури, иш ҳажми ва бошқаларга қараб йиллик айланманинг сезиларли қисмини ташкил этади.

2. Тижорат банкларининг воситачилик операцияларини тартибга солувчи меъёрий - ҳуқуқий базани такомиллаштириш лозим.

3. Тижорат банкларининг ишончли, молиявий барқарор бўлган миқдорлари гуруҳига халқаро факторинг хизмати кўрсатиши йўли билан факторинг операциялари миқдорини ошириш зарур.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон Фармони билан тасдиқланган "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси"

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020). "Халқ сўзи" № 19.

3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси I,II қисмлар. Ўзбекистон Республикасининг 21.12.1995й. 163-I-сон ва 29.08.1996й. 256-I-сон Қонунлари билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1996 й. 257-I-сон Қарорига мувофиқ 01.03.1997 й. эътиборан амалга киритилган.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йилдаги "Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом".

5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2012 йилдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ЎРҚ-342-сон қонуни (янги таҳрири).

6. Murodovich, G. R. (2022). Research of the Problems of the Functioning of Institutional Service Structures and Provision of Regulatory and Legal Criteria in this Sphere. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 6, 208-211.

7. Murodovich, G. R. (2022). Considerations for Creating a Business Environment Based on Entrepreneurial Risk. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 6, 318-320.

8. Murodovich, G. R., & Maxmudovich, S. I. (2022). Support of Small Business and Private Entrepreneurship in Uzbekistan through Loans of Commercial Banks. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(6), 197-201.

9. Murodovich, G. R., & Komolboevich, I. A. (2022). Increasing the Possibility of Management of Loan Portfolio Analysis in Commercial Banks. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 17, 30-35.

10. Murodovich, G. R. (2022). Invitation of Population Funds in Uzbekistan Some Aspects of Private Investment Development. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 15-19.

11. Murodovich, G. R., & Jahongir, N. (2022). Improving the Loaning Process in Commercial Banks. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF ARTS AND DESIGN*, 3(5), 10-15.

12. Murodovich, G. R., & Komolboevich, I. A. (2022). Indonesia Problems of Population Banking of Commercial Banks. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 15, 190-196.

13. Murodovich, G. R., & Saidmurot, M. (2022). FINANCIAL SUPPORT OF THE POPULATION IN COMMERCIAL BANKS THROUGH MORTGAGE CREDITS. *World Economics and Finance Bulletin*, 9, 173-177.

14. Murodovich, G. R., & Jahongir, N. (2022). Improving Bank Loan Portfolio Quality Management. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 15, 54-60.

15. Murodovich, G. R., & Maxmudovich, S. I. (2022). Creating Conditions for Financing Small Business Entities through Bank Loans. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 15, 45-48.

16. Murodovich, G. R., & Komolboevich, I. A. (2022). Increasing the Possibility of Management of Loan Portfolio Analysis in Commercial Banks. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 17, 30-35.

17. Murodovich, G. R., & Jahongir, N. (2022). Improving the Loaning Process in Commercial Banks. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF ARTS AND DESIGN*, 3(5), 10-15.

18. Murodovich, G. R., & Komolboevich, I. A. (2022). Indonesia Problems of Population Banking of Commercial Banks. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 15, 190-196.

19. Murodovich, G. R., & Saidmurot, M. (2022). FINANCIAL SUPPORT OF THE POPULATION IN COMMERCIAL BANKS THROUGH MORTGAGE CREDITS. *World Economics and Finance Bulletin*, 9, 173-177.

20. Murodovich, G. R., & Jahongir, N. (2022). Improving Bank Loan Portfolio Quality Management. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 15, 54-60.